

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**КОМИЛОВ АВАЗБЕК БОКИЖОНОВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН  
ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Комилов Авазбек Бокижонович**

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси  
устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини  
такомиллаштириш..... 3

**Комилов Авазбек Бокижонович**

Совершенствование организационно-правовых основ прокурорского  
надзора в сфере исполнения законодательства по правовой защите  
предпринимателей..... 25

**Komilov Avazbek Bokijonovich**

Improving the organizational and legal basis of prosecutorial supervision over the  
execution of laws on legal protection of entrepreneurs..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**КОМИЛОВ АВАЗБЕК БОКИЖОНОВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН  
ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Yu342 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Окюлов Омонбай**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Саломов Баҳром Саломович**  
юримдик фанлар доктори

**Абдурахмонхўжаев Жамолиддин Хусанхон ўғли**  
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доц. в.б.

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Ички ишлар вазирлиги академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 28 ноябрь куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-04-96, факс: (99871) 233-35-81, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2020 йил 13 ноябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил 13 ноябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

**Б.Х. Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

**Х.А. Каримов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Ф.Х. Рахимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда барча иқтисодий тараққий этган мамлакатларда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид масалалар долзарб аҳамият касб этади. Ҳар бир давлатда тадбиркорлик, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш асосий ҳамда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Хусусан, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Японияда ялпи ички маҳсулотнинг 50-68 фоизи, умумий иш билан банд аҳолининг 58-78 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келгани ҳолда, уларнинг мамлакат экспорти таркибидаги улуши 37-70 фоизни ташкил этади<sup>1</sup>. Бу эса, тадбиркорлик ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Жаҳонда тадбиркорлик фаолиятининг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай бизнес ва инвестициявий муҳит яратиш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, тадбиркорлик субъектлари олдида турган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда бу соҳада прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими ва унинг ҳуқуқий асослари яратилган<sup>2</sup>. Тадбиркорларнинг асосий қисми ўз фаолиятини ҳуқуқий майдонда амалга оширадилар, бунинг учун адолатли қонунлар ва уларнинг ижросини таъминловчи юридик механизм мавжуд бўлиши зарур. Бугунги кунда тадбиркорларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, энг аввало, прокуратура органлари билан муносабатлари моҳияти ва характери ўзгарди, илгариги репрессив, қаттиққўлликка асосланган ёндашувдан воз кечилди, қонунларда императив нормалар ўрнига тадбиркорларга мустақиллик, ташаббускорлик, манфаатдорликка шароит яратувчи ҳуқуқий тизим шаклланди. Прокуратура органлари муқаддам ҳуқуқий ҳимоя тизимида махсус фаолият йўналиши сифатида иш олиб борган бўлса, эндиликда, анъанавий қонунлар ижроси устидан прокурор назорати орқали ҳуқуқий ҳимояни амалга оширмоқда. Ушбу фаолият самарали, мақсадли, айна пайтда, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, иқтисодий тизимнинг барқарор ишлашини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш вазифалари билан уйғун бўлиши лозим. Шу билан бирга, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳали

<sup>1</sup> <http://stolypin.institute/wp-content/uploads/2018/07/issledovanie-ier-msp-27.07.18.pdf>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

Ўзининг етарли самарасини берганича йўқ<sup>1</sup>. Бу эса юридик фан олдига прокурор назорати соҳа йўналишида илмий таҳлил этиш, муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича илмий ечимлар ишлаб чиқиш вазифасини қўймоқда. Прокурор назоратининг иш услубини тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоясига мослаштириш, прокуратура ва тадбиркорлар ўртасидаги мавжуд муносабатларга, шунчаки субъект ва объект муносабати нуқтаи назаридан эмас, балки жонли мулоқот, хайрихоҳлик, қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий майдонда ҳуқуққа мувофиқлик доирасида йўналтиришга қаратилган юридик механизмни шакллантирувчи илмий ишланмаларга зарурат мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги (2017), “Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2018), “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019) фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари мустақил тадқиқот объекти сифатида илк маротаба ўрганилди. Мазкур мавзунинг баъзи жиҳатлари айрим ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, Ғ.А.Абдумажидов, М.Э.Абдусаломов, А.Т.Алламуратов, З.С.Ибрагимов, О.М.Мадалиев, М.Махбубов, Е.Н.Никифорова, О.Окюлов, Ф.Х.Отахонов, Ф.А.Примов, Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Рустамбоев,

---

<sup>1</sup> Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш 2020» йиллик рейтингда Ўзбекистон 2019 йил якунлари бўйича 190 та мамлакат орасида 69-ўринни эгаллаб, ўз ўрнини 7 та поғонага яхшилаган бўлса-да, собиқ Иттифок давлатлари ичида фақатгина Қирғизистон (80-ўрин) ва Тожикистондан (106-ўрин) олдинда, холос. (Doing Business 2020, WORLD BANK GROUP // <http://documents1.worldbank.org/curated/en/688761571934946384/pdf/Doing-Business-2020-Comparing-Business-Regulation-in-190-Economies.pdf>).

Б.С.Саломов, Т.А.Умаров, Ж.Х.Абдурахмонхўжаев ва бошқаларнинг асарларида муайян даражада ўрганилган.

МДҲга аъзо давлатларда тадбиркорларни иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва ушбу соҳага оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг баъзи ўзига хос жиҳатлари В.И.Басков, А.П.Брягин, Н.Д.Бут, С.Г.Бывальцева, А.Ю.Винокуров, Ю.Е.Винокуров, З.Б.Гадаборшева, А.А.Гурин, А.А.Доржиев, А.С.Евдокимов, Ж.Н.Идилова, А.Х.Казарина, О.В.Калугина, Е.Г.Князева, Д.А.Мадякин, М.Ф.Максютов, А.Ю.Мариничева, Т.И.Отческа, А.В.Паламарчук, К.Г.Разногузов, Н.В.Субанова, Г.Н.Суфьянова, В.В.Стрельников, А.Г.Халиулин, О.Ю.Ханюкова, Э.Б.Хатов, И.С.Чубенко ва А.В.Шмелевлар ҳамда бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Хорижий олимлар А.Битценис (Греция), Ф.Вайнгард, Т.Гаррет (АҚШ), А.Критикос (Германия), Х.Зейтун (Швейцария) ва бошқалар томонидан мазкур мавзунинг муайян масалалари тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари мавзуси шу вақтгача махсус тадқиқ этилмаган, алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предмети ва объектининг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш ҳамда мазмун-моҳиятини очиқ бериш;

тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади ва вазифаларини ёритиш ҳамда прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш механизмларни такомиллаштиришга оид хулосаларни асослантириб бериш;

прокуратура органлари томонидан тадбиркорлар манфаатларига дахлдор ҳужжатларнинг қонунийлигини аниқлаш, умумлаштириш ва ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш бўйича прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш амалиётини таҳлил этиш;

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

хорижий мамлакатларда прокуратура органлари томонидан тадбиркорларни ҳимоя қилиш хусусиятларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш асосида ижобий тажрибани мамлакатимизга татбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

прокуратура органларида тадбиркорларни ҳимоя қилишнинг мавжуд ташкилий асосларини ўрганиш орқали уларни ривожлантириш юзасидан илмий асосланган тавсия ва таклифларни шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тизимли тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантқиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, кузатув, махсус-илмий ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш, тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги, тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ишларига аралашмаслик, яширин иқтисодиёт субъектлари фаолиятини қонунийлаштиришга ёрдам бериш тамойиллари асосида ташкил этилиши зарурлиги илмий исботланган;

прокурор назоратини ташкил этишда прокурорлар эътибори аҳолини (жумладан, хотин-қизлар) тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, бунинг учун зарур шарт-шароит ва имконият яратиш, жавобгарлик белгилаш тизимини енгиллаштиришга қаратилиши лозимлиги асослаб берилган;

ноўрин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиши тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратнинг сифати ва таъсирчанлигига салбий таъсир этувчи омил эканлиги илмий исботланган;

прокурор назорати самарадорлигини кучайтириш учун тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш чораларини кўриш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор ахборотларни олишда шаффофликни таъминлаш, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш зарурлиги илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предмети ва объектига оид илмий тушунча ҳамда категорияларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган;

тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади ва вазифалари ёритилган ҳамда прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари тадқиқ этилиб, уни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар асослантирилган;

тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати амалиётида аниқланаётган қонунбузарликлар таҳлил этилиб, гуруҳларга таснифланган ҳамда прокурор назоратининг таъсирчанлиги ва самарадорлигига салбий таъсир этувчи тизимли хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган танбех Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокурорларига юборилган;

прокуратура органлари томонидан қонунийлигига мунтазам баҳо бериб борилиши лозим бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида тадбиркорлик, ерга оид муносабатлар билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар ва назорат органларининг ҳуқуқий таъсир чоралари ажратиб кўрсатилган;

тадбиркорлик соҳасига оид маълумотларни тизимлаштириш, мавжуд маълумотлардан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида “Бизнес Сарбон” электрон ахборот тизими ишлаб чиқилган;

хорижий давлатларнинг (АҚШ, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон) тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишда прокурор назоратини таъминлаш борасидаги илғор тажрибаси ва ўзига хос жиҳатлари миллий прокуратура қонунчилиги билан қиёсий таҳлил этилиб, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини алоҳида ҳужжат доирасида тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида”ги алоҳида соҳавий буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар таркибида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик бўйича маслаҳат кенгашларини ташкил қилиш лозимлиги асослантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби якунида келтирилган хулосалар, шунингдек, диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар (қоидалар), қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар суд ҳокимияти, прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда адвокатура фанида мавжуд бўлган назарий қарашларга, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилик нормаларига, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, шу билан бирга, ижтимоий сўров натижаларига асосланганлиги (100 нафар прокуратура ходимлари ҳамда 140 нафар тадбиркорлар фикрини

ўрганиш мақсадида сўровнома-анкета тарқатилди)<sup>1</sup> фойдаланилганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан 2018-2019 йилларда ўтказилган 222 та текшириш ва таҳлил материаллари, уларда қўлланилган 2585 та прокурор назорати ҳужжатларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган<sup>2</sup>.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6041-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғи, “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар тўғрисида”ги 30,10.2/5-20-07/57-сонли танбеҳини ишлаб чиқиш ҳамда “Бизнес Сарбон” электрон ахборот тизимини яратишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, Бош прокуратура Академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети, юридик факультетлар талабалари учун турли ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасалари ҳамда юридик техникумларда «Конституциявий ҳуқуқ», «Прокурор назорати», «Тадбиркорлик ҳуқуқи» модулларининг маъруза ва семинарларини ўтишда, илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш, тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойиллари асосида ташкил этилиши зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғи 1-банди 5-хатбошиси ва 4.1-банди 2-хатбошисида ўз ифодасини топган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 30 сентябрдаги 30/8-20-797-сон маълумотномаси). Натижада,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг 2020 йил 14 октябрдаги 30/8-20-820-сон хати билан тасдиқланган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2020 йил 6 мартдаги 7-39602/20-сон хати асосида ўрганилган.

мазкур таклиф тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ва улар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлашга хизмат қилган;

прокурор назоратини ташкил этишда прокурорлар эътибори аҳолини (жумладан, хотин-қизлар) тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, бунинг учун зарур шарт-шароит ва имконият яратиш, жавобгарлик белгилаш тизимини енгиллаштиришга қаратилиши лозимлиги ҳақидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони 5-банди учинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 24 августдаги 30/8-20-652-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши фуқароларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, жавобгарлик тизимини енгиллаштиришга хизмат қилган;

прокурорлар томонидан ноўрин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиши тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат сифати ва таъсирчанлигига салбий таъсир этувчи омил эканлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 20 июндаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар тўғрисида”ги 30,10.2/5-20-07/57-сонли танбеҳи 11-хатбошиси ва 24-қисми 1-бандининг 3-хатбошисида ўз ифодасини топган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 18 августдаги 30/8-20-633-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши тадбиркорларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг сифати ва таъсирчанлигига салбий таъсир кўрсатувчи тизимли камчиликларни бартараф этишга хизмат қилган;

прокурор назорат самарадорлигини кучайтириш учун тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш чораларини кўриш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор ахборотларни олишда шаффофликни таъминлаш, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш зарурлигига оид таклиф “Бизнес Сарбон” электрон ахборот тизимида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 17 августдаги 30/8-20-630-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу мобиль илова фуқароларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ахборотлар билан ишлаш кўникмасига эга бўлмаган ва ўз бизнесини бошлаётган аҳоли қатламларига ҳамда тадбиркорларга зарур маълумотлардан фойдаланиш имкониятини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия

этилган илмий журналларда 6 та (шундан, 1 таси хорижда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, саккизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предмети ва объектининг илмий-назарий асослари, мақсади, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари, ушбу назорат йўналишининг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилди.

Ўзбекистонда прокурор назорати – прокуратура органларининг Конституция ва қонунларга асосланган ҳолда, уларга қонун билан берилган ваколатлар доирасида давлат ҳокимияти тармоқларидан мустақил равишда амалга оширадиган, қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида ва тезкорлик билан аниқлаш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш, айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, қонун бузилишининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни профилактика қилишга қаратилган махсус фаолият ҳисобланади. Диссертацияда нафақат тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг илмий-назарий асослари таҳлил этилган, балки прокурор назоратининг предмети ва объектига алоқадор бир қатор илмий тушунча ва категорияларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган ҳамда уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари ва ўхшашликлари таҳлил этилган.

Илмий ишда муаллиф томонидан прокурор назорати назариясида “назорат предмети ва объекти” тушунчаси хусусида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ягона илмий қарашлар мавжуд эмаслиги аниқланиб, прокурор назорати предметини ижтимоий муносабатлар ташкил этиши тўғрисида фикр билдирган (В.Басков, Ю.Винокуров, Б.Коробейников, Д.Мадякин, О.Мадалиев), назорат предмети

ҳақида “Прокуратура тўғрисида”ги қонун мазмунида ифодаланган таърифдан келиб чиқиб ўз қарашларини ифода этган (Н.Бут, Ж.Идилова, А.Казарина, Б.Пўлатов, Б.Хамидов, Э.Хатов, И.Чубенко) ҳамда назорат предмети тушунчасининг айрим ўзига хос жиҳатлари тўғрисида хулосага келган (З.Гадаборшева, С.Емельянов, Т.Отческа) ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари уч гуруҳга ажратилиб, таҳлил этилган.

Шунингдек, прокурор назорати предмети ва объектини аниқ белгилаш масаласида ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилиб, улар билан илмий мунозарага киришилган ҳамда диссертант “прокурор назорати предмети” тушунчаси хусусида фикр билдирган ҳуқуқшунос олимлар (Н.Бут, З.Ибрагимов, Ж.Идилова, А.Казарина, Б.Пўлатов, Б.Хамидов, Э.Хатов, И.Чубенко) қарашларини қўллаб-қувватлаган. Муаллиф прокурор қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш жараёнида қонунларнинг ижро этилиши ҳамда қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлигига ўз эътиборини қаратиб, “прокурор назорати предмети” ва “объекти” тушунчаларини англашда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасида ифодаланган норма мазмунидан келиб чиққан ҳолда илмий ёндашиш лозимлиги ҳақида хулосага келади.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан 2018-2019 йиллардаги назорат амалиёти, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилган жиноятлар, ҳуқуқшунос олимлар (М.Максютов, Т.Отческа, Д.Мадякин) фикрлари таҳлил қилиниб, тадбиркорлик субъектлари ҳам прокурор назорати объекти ҳисобланиши ҳақидаги хулоса илгари сурилган. Ушбу назорат йўналишига оид тегишли зарур ҳужжатлар таҳлил этилиб, прокурор назорати объекти ҳисобланган ҳуқуқий ҳужжатлар норматив-ҳуқуқий ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳужжатларига ажратилган.

Диссертацияда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети хусусида айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар назорат предмети билан қамраб олинишига оид ҳуқуқшунос олимларнинг турлича ғоя ва қарашлари таҳлил этилиб, бу борада прокурор фақат қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаши лозим, деб фикр билдирган ҳуқуқшунос олимлар (И.Чубенко, А.Винокуров) билан илмий мунозарага киришилган. Диссертант ушбу муаллифлар фикрларидан фарқли равишда прокурор назоратининг предметиға қонуности ҳужжатлар ҳам киритилишини ёқлаган ҳуқуқшунос олимлар (З.Гадаборшева, З.Ибрагимов, А.Казарина, Д.Мадякин, М.Максютов ва Н.Субанова) фикрларини қўллаб-қувватлаган ва ўз қарашларини Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 6-14-моддалари билан асослантирган.

Тадқиқот ишида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган ҳамда муаллиф ушбу соҳадаги

прокурор назорати мақсади ва унинг мазмун-моҳиятини очиб беришда бир қатор ҳуқуқшунос олимлар (В.Басков, А.Брягин, Б.Коробейников, А.Пронякин, Ф.Рахимов, О.Ханюкова) томонидан илгари сурилган фикрларни ҳар томонлама таҳлил этган ҳолда прокурор назоратининг мақсади – ушбу соҳада қонунийлик мустаҳкамланган, қонун устуворлиги ҳамда мамлакатда тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимояси таъминланган ҳолатга эришиш ҳисобланиши лозимлиги ҳақида хулосага келган.

Диссертант илмий ишда Ўзбекистонда тадбиркорларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати олдида турган ва истиқболда ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни таҳлил этиб, айни вақтда, прокурор назорати тадбиркорларга нисбатан жазолаш, уларни жавобгарликка тортишга қаратилмаслиги, балки мамлакатда тадбиркорликнинг янада ривожланишига, тадбиркорлар олдида турган турли тўсиқ ва муаммоларнинг бартараф этилишига, бозор ва рақобат муҳитининг амалда шаклланишига ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоясининг самарали таъминланишига кўмаклашиши зарурлигига оид хулосаларни илгари сурган. Бу масалада муаллифнинг нуқтаи назари С.Алексеев, В.Басков, А.Брягин, Е.Винокуров, Б.Коробейников, Ф.Рахимов ва И.Чубенко каби ҳуқуқшунос олимлар қарашларига яқин бўлиб, илмий ишда мазкур соҳадаги прокурор назоратининг вазифаларини умумий, махсус ва аниқ вазифаларга ажратган ҳолда уч гуруҳга таснифлаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинган.

Диссертацияда мамлакатимизда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос жиҳатлари сифатида: соҳада ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва айбдор шахсларга жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш билан бирга, тадбиркорлар олдида турган муаммоларни ўрганиб, уларга амалий ёрдам бериш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қонун ҳужжатларини бузган тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва қонун талабларини тушунтириш орқали қонуний фаолият кўрсатишга ундаш муҳим вазифа эканлиги ўз тасдиғини топган. Шу билан бирга, прокуратура органлари ўз фаолиятини тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш, тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги, қонунда нимаики тақиқланмаган бўлса, рухсат этилиши, тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ишларига аралашмаслик, яширин иқтисодиёт субъектлари фаолиятини қонунийлаштиришга ёрдам кўрсатиш тамойиллари асосида амалга оширишлари зарурлиги асослантирилган.

Диссертант ушбу назорат йўналишининг ҳуқуқий асослари тизимида нафақат қонунлар, балки қонуности ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари алоҳида ўрин тутишини таъкидлайди. Муаллиф ҳуқуқий асослар тизимида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ҳамда прокуратура органларининг ҳайъатлари қарорлари ҳам кириши ҳақидаги хулосани илгари суради.

**Диссертациянинг иккинчи боби “Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини**

**амалга ошириш механизмлари”** деб номланиб, унда прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда ишларни ташкил этиш, тадбиркорлар манфаатларига дахлдор ҳужжатлар қонунийлигига ҳуқуқий баҳо бериш, прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш жараёнида юзага келаётган масалалар тадқиқ этилган.

Илмий ишда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш масалалари таҳлил этилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш йўналишини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг алоҳида соҳавий буйруғи доирасида тартибга солишга бўлган заруратни, биринчидан, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида прокуратура органларига кўплаб вазифаларнинг юклатилаётганлиги; иккинчидан, Бош прокуратура ҳайъати қарорлари билан бу борада прокуратура органлари олдига мунтазам талаблар қўйилаётганлиги; учинчидан, прокуратура органлари фаолият йўналишларининг кенгайиб, иш ҳажмининг ортиб бораётганлиги; тўртинчидан, қуйи прокуратураларга юқори турувчи прокурорлар томонидан юборилаётган турли топшириқ ҳамда кўрсатмаларнинг кўплиги; бешинчидан, прокуратура органларида ёш мутахассислар салмоғининг юқорилаб бораётганлигига оид бешта муҳим жиҳат келтирилган ҳолда асослантилган.

Шунингдек, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати йўналишини Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг “Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари” деб номланган 4-моддасида алоҳида йўналиш сифатида белгилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида”ги соҳавий буйруғини ишлаб чиқиш, унда мазкур назорат йўналишида прокуратура органларининг асосий вазифалари, соҳада фаолиятни баҳолаш мезонлари, прокурор назорати тадбирларида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалалар кўрсатилиши лозимлигига оид таклифлар асослаб берилган.

Тадқиқот ишида назорат йўналишини ташкил этиш ва самарадорлигини кучайтиришда аҳоли (шу жумладан, хотин-қизлар)ни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, бунинг учун зарур шарт-шароит ва имконият яратиш, жавобгарлик белгилаш тизимини мунтазам енгиллаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолияти учун зарур маълумотлар билан тўлиқ ва шаффоф тарзда таъминлаш, бунда электрон дастурий маҳсулотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари таҳлил этилган. Шу билан бирга, тадбиркорлик соҳасига оид маълумотларни тизимлаштириш, мавжуд маълумотлардан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида “Бизнес Сарбон” электрон ахборот тизими ишлаб чиқилган ва унда тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, давлат хизматлари ва уларни кўрсатиш тартиби, имтиёз ҳамда

преференциялар, рухсат берувчи ҳужжатлар, тартиб-таомиллар ҳамда шу каби энг муҳим маълумотлар жамланган.

Диссертацияда прокурорлар томонидан ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлиги устидан назоратни таъминлашда юзага келган айрим муаммолар ёритилиб, ҳуқуқшунос олимлар (Н.Бут, В.Гошуляк, А.Доржиев, А.Казарина, О.Калугина ва В.Стрельников) фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган. Диссертант прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасида қайд этилган барча ҳужжатлар қонунийлигига баҳо беришнинг амалда имкони мавжуд эмаслигини таъкидлаб, буни бир қатор сабаблар, жумладан: туман (шаҳар) доирасида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишга ваколатли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сонининг кўплиги, қуйи прокуратура органлари шахсий таркиби сонининг камлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан прокуратура органлари зиммасига янгидан-янги вазифаларнинг юклатилаётганлиги, оқибатда, иш ҳажмининг ошиб бориши билан изоҳлаган. Шу боис, муаллиф истиқболда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунлар ижроси устидан назорат йўналишидаги муайян соҳавий буйруғида прокурорлар томонидан қонунийлигига мунтазам баҳо берилиши лозим бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар турлари (биринчи навбатда, тадбиркорлик, ерга оид муносабатлар билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар, назорат органларининг ҳуқуқий таъсир чоралари) алоҳида белгилаб берилиши зарур, деган хулосани асослаб берган.

Бундан ташқари, ишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли соҳавий буйруғидаги ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар чоракда ўрганишга доир муддатни тадбиркорлик билан боғлиқ ҳужжатларга нисбатан қисқартириш ва амалдаги қонунчиликда аниқ кўрсатиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинган. Чунки бундай ҳужжатларни ҳар чоракда ўрганиш талаби прокурорларга назорат органлари, ҳокимларнинг ер билан боғлиқ муносабатларда ва тадбиркорларга нисбатан қонунга зид равишда қабул қилган қарорларини ўз вақтида аниқлаш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш имконини бермаслиги, бу каби ҳужжатларга нисбатан прокурор муносабатининг қисқа муддат мобайнида билдирилмаслиги эса аксарият ҳолатларда қонунбузарлик фактининг узоқ муддат сақланиб қолишига ёки бартараф этиш имконининг йўқотилишига олиб келиши билан асослашга ҳаракат қилинган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 275-моддаси 1-қисми 7-хатбошисини: “маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (мансабдор шахслар) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўлланганлигини ҳар ойда текширишга” таҳририда баён этиш, Ер кодексининг 12-бобини “Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан прокурор назорати”, деб номланган янги 84<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.



Диссертацияда прокурор назорати тадбирлари натижаси назорат ҳужжатларини қўллаш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш билан якунланаётгани, қуйи прокуратура органлари бу билан чекланмасдан, муаммоларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш, масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахслар ҳисоботларини тинглаш, маълум бир қонун ёки қонуности ҳужжатини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсияларини халқ депутатлари Кенгашлари муҳокамасига киритишлари зарурлиги ҳақида хулосага келинган.

Бундан ташқари, тадқиқот жараёнида прокуратура органларининг ҳокимлар ва назорат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан 2018-2019 йилларда протест келтириш амалиёти таҳлил қилинганда, прокурорлар протестларда (айниқса, ер муносабатлари билан боғлиқ) қайд этган қонун бузилиши ҳолатлари ҳокимлар томонидан амалда бартараф этилмасдан, протестларни фақат формал қаноатлантириш ҳолатлари мавжудлиги аниқланган. Амалиётда ушбу салбий ҳолатнинг мавжудлиги ўтказилган ижтимоий сўров натижалари (респондентларнинг 60 фоизи протестлар натижаси бўйича қонун бузилиши ҳолати сақланиб қолаётганини, 76 фоизи протестлар жавобини олиш учун кутиш ҳолатлари мавжудлигини баён этган) билан ҳам тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддасида назарда тутилган талаб эса бундай вазиятда прокурорнинг келгусида ариза билан судга мурожаат этиш ваколатини чеклаб қўйиши исботлаб берилган. Шу боис, диссертант ҳуқуқшунос олимларнинг (Ж.Идилова, А.Евдокимов) ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш прокурор учун протест келтиришга нисбатан муқобил вариант эканлиги ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлаган. Муаллиф хорижий давлатлар қонунчилигининг илғор тажрибасига ҳам эътибор қаратиб, прокурорга қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатга протест келтириш ёки процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат этиш ҳуқуқининг берилиши прокурорда танлов имкони мавжуд бўлишига, унинг ваколати чекланиб қолишининг олдини олишга хизмат қилишини инобатга олиб, ушбу масалани бартараф этиш юзасидан миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари**” деб номланиб, унда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича хорижий тажриба, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ташкилий асосларини такомиллаштиришга қаратилган масалалар тадқиқ этилган.

Муаллиф хорижий мамлакатлар прокуратура органлари фаолиятини ўрганиш асосида уларнинг иккита асосий модели, биринчи, прокуратура органлари, авваламбор, “жиноий таъқиб ва айблов” идораси, иккинчи, “қонунлар ижроси устидан назорат” органи ҳисобланишига оид илмий назарий қарашларни таҳлил этиб, унинг мазмун-моҳиятини очиб берган. Шунингдек, ишда биринчи моделга мансуб прокуратура органларида

(Арманистон, Грузия, Молдова, Озарбайжон) “умумий назорат” (яъни, қонунлар ижроси устидан назорат) функцияси тугатилганлиги, иккинчи моделга кирувчи прокуратура органларида (Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон) эса қонунлар ижроси устидан назорат функцияси марказий ўринда туриши, уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари тавсифлаб берилган. Шунингдек, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония ва Жанубий Корея давлатларида прокуратура айблов органи сифатида фаолият кўрсатиши, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширмаслиги, айрим мамлакатларда прокуратура мустақил тизим эмас, балки суд (Испания, Латвия ва ҳоказо) ёки ижро ҳокимиятининг (АҚШ, Эстония ва ҳоказо) таркибий қисми сифатидаги ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган.

Тадқиқот ишида иқтисодий ривожланган давлатлар (АҚШ, Германия, Франция, Япония ва Жанубий Корея) тажрибаси тадқиқ этилиб, уларда прокуратура органлари қонунлар ижроси устидан назорат функциясини бажармаслиги қайд этилган. Ушбу мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлик субъектлари давлат ва нодавлат ташкилотлар (агентликлар, фондлар, марказлар, савдо-саноат палаталари ва ҳ.к.) орқали махсус дастурларни (иқтисодий ва ҳ.к.) амалга ошириш билан қўллаб-қувватланиши баён этилган. Хусусан, тадбиркорларга бепул маслаҳат ёрдами кўрсатиш, кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш тизимининг амалда йўлга қўйилганлиги эътироф этилган. Бироқ прокурор назоратига нисбатан заруратнинг йўқлиги мазкур давлатларнинг тарихий давлатчилик ва ҳуқуқ тизимига эгаллиги, аҳолида қонунларга ҳурмат, судларга бўлган ишончнинг юқорилиги, малакали адвокатура ва юридик хизмат тизими мавжудлиги, жамоатчилик ва антимонопол назоратининг кучли тизими мавжуд эканлиги билан асослантилган.

Диссертацияда тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш ва унинг ривожланишига қулай шарт-шароит яратиш бўйича хорижий давлатлар (АҚШ, Германия, Франция, Россия ва Қозоғистон) тажрибасининг қатор ижобий жиҳатлари таҳлил этилиб, бу борада прокуратура органларининг ишонч телефонларига тадбиркорлар аноним тарзда мурожаат этишлари мумкинлиги (Қозоғистон), прокурорларнинг тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш борасидаги фаолиятини тартибга солувчи махсус Бош прокурор буйруғининг мавжудлиги (Россия), прокуратура органлари ва давлат ташкилотлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорларнинг бошқа жамоат бирлашмалари билан яқиндан ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги (АҚШ, Германия, Франция, Россия) каби илғор тажрибасини мамлакатимиз прокурор назорати амалиётига татбиқ этиш мақсадга мувофиқлиги асослантилган.

Мазкур илмий ишда хорижий давлатлар прокуратура органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари, хусусан, Бош прокуратура ва ҳудудий прокуратуралар ҳузуридаги кичик ва ўрта бизнесни ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши (Россия) фаолияти таҳлил этилиб, айниқса,

прокуратура органлари ушбу кенгашлар имкониятидан назорат тадбирларини режалаштириш, прокурорларнинг алоҳида эътибори қаратилиши талаб этиладиган муаммоларни аниқлаш, уларни тадбиркорлик ҳамжамиятлари билан бирга муҳокама қилиш ва бартараф этиш юзасидан тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишда фаол фойдаланиб келаётганлиги каби ижобий жиҳатлари ёритиб берилган.

